# Тошкент ҳақиқати

Рўзнома 1928 йил 11 декабрдан чиқа бошлаган

№ 249 (10.245).

1991 йил

25 декабрь чоршанба

Баҳоси 8 тийин.

Вилоят ижтимоий-сиёсий рўзномаси


*29 декабрь–Республика Президенти сайлови ва референдуми куни*

## ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДИ

ЗАФАР. (Жамоатчи мухбиримиз К. Бегмонов телефон орқали хабар қилади). Бекобод райони марказий Зафар қўрғонида Республика Президенти сайлови ва референдумига бағишланган митинг бўлиб ўтди. Унда райондаги хўжалик, корхона, ташкилотларнинг раҳбарлари, бригада бошлиқлари, деҳқонлар ва бошқа фуқаролардан жами 400 дан ортиқ киши иштирок этди.

Митингни халқ депутатлари район Кенгашининг раиси М. Расулов очди. Шундан кейин Ўзбекистон Халқ демократик партияси район Кенгашининг биринчи котиби З. Қодиров яқинда бўлган Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши пленуми қатнашчиларининг республиканинг барча меҳнаткашларига, аҳолисига ва партия аъзоларига қарата қабул қилган мурожаатини ўқиб берди. Мурожаатни кенг муҳокама қилган митинг қатнашчилари уни қўллаб-қувватладилар.

— Бугунги танг вазиятда, ҳамма соҳада шароит ниҳоятда мураккаблашиб бораётган бир пайтда республикага ҳар томонлама етук раҳбар зарур,— деди йиғилишда сўзга чиққан Ленин номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи А. Рўзматова.— Менимча, бу вазифани Ислом Каримов бажара олади. Бизнинг жамоа хўжалигимиз аъзолари ана шундай тўхтамга келдилар. Шунинг учун ҳам 29 декабрь куни шу номзод учун овоз бермоқчимиз.

Район матлубот жамияти бўрдоқичилик базаси директори Э. Хатамов ва бошқалар ҳам ана шу таклифни қўллаб-қувватладилар.

## ТИКУВЧИЛАР ДАВРАСИДА

Яқинда Ўрта Чирчиқ районидаги тикувчилик фабрикасида меҳнаткашларнинг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан ушбу корхона директори Мурод Мирзаалиев президентликка номзодларнинг таржимаи ҳоли ва дастурлари билан йиғилганларни таништирди. У ўз сўзида республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг айни пайтда меҳнаткашларнинг турмуш шароитларини яхшилаш борасида қилаётган ишларини таъкидлаб, корхона ишчи-хизматчиларини 29 декабрда унинг номзоди учун овоз беришга чақирди.

Ундан сўнг корхонанинг илғор ишчиси Зулфия Нажимова сўзга чиқди. У ҳам республикамиз Президенти бошлаган эзгу ишни фақатгина ўзи ниҳоясига етказиши мумкинлигини таъкидлади.

Йиғилишда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ўрта Чирчиқ район комитетининг биринчи котиби Ҳикматулла Неъматуллаев қатнашди ва нутқ сўзлади.

**С. АБДУЛЛАЕВ,**
**жамоатчи мухбир.**

## Сайлов участкасида

Бизнинг Киров қишлоқ шўросига қарашли 1-ўрта мактабда жойлашган 9-сайлов участкасига кираверишга Президентликка номзодларнинг таржимаи ҳоли, дастурлари ва суратлари илова қилинган лавҳаларни илиб қўйганмиз. Ҳар бир сайловчи бевосита улар билан танишиб кетиши мумкин. Ундан ташқари референдум ва сайловни тартибли, фуқароларнинг фаол иштирокида ўтказиш мақсадида тузилган 15 кишидан иборат сайлов комиссияси аъзолари маҳаллаларга чиқиб, тушунтириш ишлари олиб боришаяпти. Шунингдек, участкага батафсил маълумот олиш мақсадида келаётган фуқароларнинг саволларига жавоб бериш учун манзилимизда навбатчилик ташкил қилинган.

Мактабнинг катта залида икки марта сайловчилар билан учрашиб, уларнинг мустақиллик ва Президентликка бўлган номзодлар ҳақидаги фикрлари билан танишиб, суҳбатлашдик.

29 декабрь куни жумҳуриятимиз аҳли илк бор мустақилликка овоз беряпти. Ўзининг Президентини сайлаяпти. Шу муносабат билан бу кунга байрамона тус бериш ниятида бир қанча тадбирларни режалаштириб қўйдик. Ўша куни эрта тонгдан наҳорай-сурнай садолари ҳудудимиз сайловчиларини овоз беришга чорлайди. Шунингдек овоз бериш манзилида савдо уюштирилади, бу ерга келганлар янги китоблар харид қилишлари, мактаб бадиий ҳаваскорлик тўгараги аъзоларининг чиқишларини томоша қилишлари мумкин.

Сайлов участкамиз ҳудудидаги сайловчилар орасида ногиронлар, бетоблиги сабабли овоз беришга келолмайдиган фуқаролар бор. Улар учун иккита машина навбати билан хизмат қилади. Бундай тоифадаги сайловчиларимизнинг сайловда ўз фикрларини билдиришлари учун барча имкониятлар яратилади.

Шу ўринда мен бир нарсадан мамнунлигимни айтишим керак. Бу ҳозирги даврда халқимизнинг сиёсий онги ошганлигидир. Чунки, бундан олдинги сайловларда ҳам комиссия таркибида қатнашиб, одамлар билан кўп мулоқотда бўлардим. Илгарилари улар кимни сайлашяпти, у қанақа одам қизиқиб ҳам ўтиришмасди. Бугун одамлар олдингидек лоқайд эмас. Тақдирлари мустақилликка боғлиқлигини кўпчилиги тушуниб етишган.

**И. ДЎСТОВ,**
**Тошкент ноҳиясидаги 9-участка сайлов комиссиясининг раиси.**

## ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВЧИЛАРИГА МУРОЖААТИ

1991 йил 19 декабрь куни Ўзбекистон қишлоқ хўжалик Фанлари академиясининг умумий йиғилиши бўлди. Йиғилишда ташкилий масалалар кўриб чиқилди, академиянинг ҳақиқий аъзолари (академиклари), мухбир аъзолари ва фахрий академиклари сайланди. Олимлар ватан фани ривожига катта ҳисса қўшган республикамизнинг машҳур олимлари сафидан академиянинг янги аъзоларини сайладилар.

Умумий йиғилиш республика раҳбариятининг, айниқса, унинг Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг Ўзбекистонни гуллаб-яшнатишга қаратилган кўп қиррали давлат фаолиятини, унинг катта хизматларини алоҳида таъкидлади. Аҳоли барча табақалари турмушини яхшилаш учун имкони бўлган ҳамма ишлар қилинмоқда, ҳозир ҳам 400 дан ортиқ қишлоқ ва овулларда ижтимоий-маданий объектлар қурилиши, газ, электр, сув ва йўл тармоқлари ётқизилмоқда, ҳар бир оилага ўз уй-жойи эгалик қилиш имконияти яратилмоқда.

Кейинги вақтда Ислом Абдуғаниевич қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш борасида улкан ишларни амалга оширди. Колхозлар ва совхозларда оилавий ва жамоа пудрати кенг жорий этилмоқда, шахсий, ёрдамчи ва фермер хўжаликлари ривожланмоқда. Бошқа республикалар билан алоқалар бузилган мураккаб шароитда Ислом Абдуғаниевич Каримов бошчилигида ишлаб чиқариш тузилмаларини янгиларини майдони кўпаймоқда, пахта майдонлари маълум тарзда қисқартирилмоқда.

Озиқ-овқат муаммоси ўткирлашган шароитда унинг ташаббуси билан бу йил барча колхозчилар ва совхозларнинг ишчиларига қўшимча тарзда 100 килограммдан дон сотилди. Колхозлар ва совхозлар шахсий ёрдамчи хўжаликлар учун қўзилар, бузоқлар ажратмоқда, уларни боқиш учун ем-хашак бермоқда. Дадил равишда амалга оширилаётган ана шу иқтисодий тузилмавий ва ижтимоий ишлар аҳолини ўз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашга имкон берди.

Биз Ўзбекистон Республикаси барча меҳнаткашларини президентлик лавозимига кўрсатилган Ислом Абдуғаниевич Каримов номзодини қўллаб-қувватлашга чақирамиз. Завод ва фабрикаларда, далалар ва фермаларда, илмий тадқиқот муассасаларида ишларни яхшилаш бу номзодни қўллаб-қувватлашнинг энг яхши ва таъсирчан омили бўлади. Деҳқончилик соҳасида иш олиб бораётган олимлар қишлоқ хўжалик экинларининг янги серҳосил навларини, зотдор молларни, ер, сув ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишга эришиш учун самарали технологияларни яратишни жадаллаштириш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Ислом Абдуғаниевич Каримов учун овоз берар экамиз, бу билан мустақил республикамизнинг гуллаб-яшнаши, эртанги яхши келажаги, ҳар бир оиланинг фаровонлиги ва бахту саодати учун овоз берган бўламиз.

## РЕЖА БАЖАРИЛДИ

ҚИБРАЙ ноҳиясининг миршикор деҳқонлари бу йил ҳар қандай оғир шароитда ҳам эл дастурхонига мўл-кўл сабзавот маҳсулотлари етказиб беришни мақсад қилиб қўйган эдилар. Ана шу мақсад йўлида сидқидилдан меҳнат қилдилар. Бугун қибрайлик сабзавоткорлар ўз сўзларининг устидан чиқишди. Давлатга 61 минг тоннадан кўпроқ мева ва сабзавот етказиб бериб, эгаллаган майдонлари режаларини ортиғи билан бажардилар. Буйдай муваффақиятнинг қўлга киритилишига Ленин номли, «Коммунист», «Октябрь» жамоа хўжаликларининг мирзакорлари катта ҳисса қўшдилар.

Шунингдек ноҳия чорвадорлари ва паррандабоқарлари ҳам яхши ишладилар. Давлатга гўшт ва тухум сотиш режаларини ортиғи билан уддаладилар.

**(Ўз мухбиримиздан).**

## «ХАСКОВО»ДА ОЧИЛАДИ

КАЛИНИН ноҳиясидаги «Хасково» давлат хўжалигида ишга туширилган ёғоч арралаш ва тилиш кичик корхонаси анча вақтдан бери меҳнаткашларга хизмат қилмоқда. Улар олиб келган ғўла ёғочлардан турли катта-кичикликдаги тахталарни тилиб бермоқдалар. Бу, айниқса, якка тартибда уй қурувчилар учун қулай бўлмоқда. Кўплаб оилалар бу корхона хизматидан фойдаланишди.

Унинг жамоаси куни кеча яна бир хайрли ишга қўл урди. Давлат хўжалигининг қурилиш бўйича катта муҳандиси Авизжон Абдумаликов ташаббуси билан яна бир кичик корхона ташкил этилди. Корхонадагилар якка тартибда уй қурувчилар учун катта хизмат кўрсатишяпти. У ерда ҳар куни 600—700 дона бетон ғишти қолипланмоқда. Улар шахсий уй-жой қурувчилар учун сотила бошланди. Ҳозирнинг ўзидаёқ қатор оилалар бу маҳсулотни ўз қурилишларида ишлатдилар.

**И. СУЛТОНОВ,**
**Улуғ Ватан уруши ногирони.**

# ТАБРИКЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Туркияга қилган сафарини республика жамоатчилиги, фуқаролари мамнуният билан кутиб олдилар. Айниқса Ўзбекистон Давлат мустақиллигини Туркия Республикаси томонидан расмий тан олинганлиги тарихий воқеа бўлди. Шу муносабат билан рўзномага жамоатчиликдан, корхона, хўжалик ва меҳнат жамоаларидан табриклар келиб турибди.**

**ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ, АНҚАРА ШАҲРИ**

**ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ**

**ТУРҒУТ ЎЗОЛГА**

Муҳтарам Президент жаноби Олийлари!

Ўзбекистон давлат мустақиллигини жаҳон ҳамжамияти ўртасида биринчи бўлиб Туркия Республикаси расмий тан олганлиги оламшумул тарихий воқеа бўлди. Бу авлод-аждодларимиз, қонимиз, имонимиз бир бўлган турк оғаларимизнинг ўзбек биродарлари ҳурлиги, эркинлигини қўллаб-қувватлаши, дунё халқлари орасида муносиб ўринни эгаллашига хайрихоҳлигининг ёрқин ифодасидир.

Ўзбек диёрининг меҳнаткаш деҳқонларини бирлаштирган уюшмамиз номидан бу юксак эътироф учун чин қалбдан энг чуқур ва самимий миннатдорчилигимизни қабул этгайсиз. Аминмизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Туркияга расмий ташрифи шарофати билан ўрнатилган биродарлик кўприги билан боғланган дўстлик ришталари абадул-абад мустаҳкамланиб боради.

Бизнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорлигимиз юксак чўққиларга чиқажак. Бу дўстлик ва биродарликни ўзбек деҳқонлари ҳамиша қўллаб-қувватлайдилар.

Ҳурмат ва эҳтиром билан

**Жумҳурият деҳқонлар уюшмасининг раиси, Меҳнат Қаҳрамони**

**Маҳмуд ИСМАТОВ.**

• • •

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ,**
**ТОШКЕНТ ШАҲРИ**
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ**
**ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВГА**

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сиз бошлиқ Ўзбекистон Республикаси давлат делегациясининг Туркияга расмий ташрифи ғоят катта муваффақият билан ўтганлигидан беҳад мамнунмиз. Бу сафар мустақил Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли, қонуний аъзоси ўрнини эгаллаши йўлида биринчи улкан қадам бўлди. Республикамиз Туркия томонидан мустақил давлат сифатида расман тан олинди. Туркия республикаси раҳбарлари билан олий даражадаги учрашувлар натижасида имзоланган тарихий ҳужжатлар Ўзбекистоннинг янада гуллаб-яшнашига хизмат қилишига шак-шубҳамиз йўқ.

Ўзбекистон деҳқонлар уюшмаси номидан Сиз, Ислом Каримовнинг халқимиз, шу жумладан қишлоқ меҳнаткашлари муносиб турмуш тарзини, Ватанимиз мустақиллигини таъминлаш йўлидаги фаолиятингизга янгиянги муваффақиятлар, баҳодирона сиҳат-саломатлик тилаймиз. 29 декабрь куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида уюшмамиз барча аъзолари, умуман республика қишлоқ меҳнаткашлари Сизнинг номзодингиз учун якдиллик билан овоз берадилар.

Ҳурмат ва эҳтиром билан

**Жумҳурият деҳқонлар уюшмасининг раиси, Меҳнат Қаҳрамони**

**Маҳмуд ИСМАТОВ.**

● Ўзбекистон Жумҳурияти Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов бошчилигидаги давлат делегацияси Туркияда бўлган пайтида қатор икки томонлама манфаатли ҳужжатлар имзоланди.
Суратда: ҳужжатларни имзолаш пайти. (ЎзТАГ сурати).

• *Илмий лабораторияларда*

## БИОГУМУС— ҚЎШМА КОРХОНА МАҲСУЛИ

Тошкент вилоятида «Унумдорлик» уюшмаси ва «Биос» марказига қарашли қўшма корхона ер мелиҳами — биогумус ишлаб чиқара бошлади.

Бунга эришиш осон бўлмади. Кимё олими Маҳмуд Яминов узоқ йиллардан бери бу ҳақда ўйлаб, лаборатория анализлари ўтказди. Шахсий ихтиро сифатида бошланган бу ишнинг деҳқончиликдаги аҳамияти илмий анжуманларда айтилди. Тўғри, бунга биров аҳамият берди, биров аҳамият бермади. Аммо олим ўз аҳдидан қайтмади. Ўзбекистон республикаси ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти ва «Таделс» уюшмаси унга ёрдам қўлини чўзди. Янгиликнинг самарали эканлигига ишонч ҳосил қилинди. Аста-секин бу ишга ҳайрихоҳ кишилар кўпайди. Ва ниҳоят, маҳаллий ўғитдан ўзининг жуда кўп жиҳатлари билан устун турадиган ва ажойиб сифатларга эга бўлган органик ўғит бунёдга келди.

Ҳўш, биогумуснинг ўзи нима, у қандай қилиб олинади? Унинг деҳқончиликни ривожлантиришдаги аҳамияти-чи?

Узоқ йиллардан бери экинлар ҳосилдорлигини оширш масаласи деҳқонларни ҳам, боғбонларни ҳам ўйлантириб келаётгани сир эмас. Ер дармонсизланди, дейишмоқда улар. Энг ташвишлиси, ердаги микроорганизмлар билан бирга чиринди ва гумус ҳам жуда камайиб кетди. Тупроққа солинган кимёвий ўғитлар ҳосилдорликни бир қадар оширсада, лекин ерни берч ва карахт қилиб қўйди.

М. Яминовнинг янгилиги — тайёр органик моддадан биотехнологик усулда гумус ишлаб чиқаришдан иборат бўлди. Биогумус асосан ташландиқ моддалардан олинади. Масалан, чорвачилик ва паррандачилик фермалари чиқиндилари, канализация қувурлари ва корхоналар оқава сув ҳамда чиқиндилари биогумус учун хом ашё манбаи ҳисобланади. Жумҳуриятимизда атроф муҳитни, тоза ҳавони, дарё сувларини ифлослантираётган турли чиқиндилар кам дейсизми?

— Бизда 600 дан ортиқ шундай объектлар мавжуд, — дейди Маҳмуд ака биз билан суҳбатда.— Буларнинг ҳаммаси органик модда ҳисобланади. Улар оқар сувларга қўшилиб кетмаслиги, балки яна тупроққа қўшилиши лозим. Лекин ҳамма вақт ҳам бунга эришолмаймиз. Айниқса гидролиз заводи ва бошқа корхоналар, кўплаб чорвачилик ва паррандачилик фермаларидан чиқаётган чиқиндилар атроф-муҳитга салбий таъсир этмоқда. Ана фақат кўплаб гўшт, сут ва тухум етиштириш ҳақида ўйлаймиз-у, ҳосил бўлган чиқиндиларни яхшироқ қайта ишлаш ҳақида бош қотирмаймиз. Бизнинг ихтиро қўлланилган тақдирда кўпгина тозалаш иншоотлари қуришга ҳожат қолмайди.

Унумдорлиги пасайиб кетган ерларнинг тупроқ структурасини яхшилаш учун миллионлаб тонна маҳаллий ўғит керак бўлади. Бунда биогумус жуда қўл келади. Янги ўғитни тегишли ташкилотлардан рўйхатдан ўтказиб, уни кўпроқ ишлаб чиқариш йўлларини ўйлаяпмиз.

Дастлаб «Птицепром» давлат қўмитасига мурожаат қилиб, паррандачилик фабрикаларида тажриба ўтказишга рухсат сўрадик. Бу иш осон кўчмади. Охири Тузелдаги паррандачилик фабрикаси оқава кўлларида тажриба ўтказа бошладик. Илк маҳсулот агрохимлабораторияда анализ қилингач, ниҳоятда самарали органик ўғит олинганлиги маълум бўлди.

Мева ва сабзавотларни истеъмол қиламизу, унинг экологик жиҳатдан соф экинлигига кўпинча эътибор бермаймиз. Вир вақтлар сабзавот экинлари қатор ораларига шарбат оқизиш одат бўлган эди. Шунда ҳосилнинг таркиби ўрганилганда, шарбат моддалари оз бўлсада карамга ўтганлиги кузатилганди. Ҳар қандай минерал ёки маҳаллий ўғит ҳам ҳосилда маълум миқдорда ўз таъсирини қолдиради.

Биогумус эса озуқага бой ҳамда оддий маҳаллий ўғитдан бир неча баравар кучли органик моддадир. Биогумус у ёки бу ўсимлик учун тез ҳазм бўладиган тайёр озуқа ҳисобланади. Унинг ёрдамида озиқлантирилган ўсимлик ҳосили экологик тоза ва хуштаъм бўлади.

Бизнинг ҳисоб-китобларимизга қараганда, ҳар квадрат метр майдонга ўртача қуйидаги миқдорда биогумус солинади:

помидор, карам, ошковоқ, қовун-тарвузга — 800 грамм; бодринг, пиёз, редиска, ошқўклар, қулупнай, маймунжон ва узумга — 2,6 килограмм; гулларга — 400 грамм; мевали боғларга — 1,5—2 килограмм.

Марказ ҳозирча Тошкент гулчилик совхози билангина ўзаро шартнома асосида ишлаб, маҳсулот етказиб бермоқда. Ваҳоланки, вилоятда оқава кўллари, турли гўнг чиқитлари уюми кўп. Улар атроф-муҳитни ифлослантирмоқда. У ерларда ҳам гумус олинадиган кичик корхоналар қуриш мумкин. Бунинг учун марказга иқтисодий мадад керак. Ваҳоланки, «Унумдорлик» уюшмаси ва марказ ҳатто шу вақтгача ўз биносига эга эмас. Тегишли ташкилотлар бу муаммони ҳал қилишда унга ёрдам беради, деган умиддамиз.

**П. НИШОНОВ,**
**ЎзТАГ мухбири.**
**Тошкент вилояти.**

• *Қишлоқ хабарлари*

## МЕҲНАТ САМАРАСИ

● ЧИНОЗДАГИ Оҳунбобоев номли жамоа хўжалиги чорвадорлари бу йил давлатга 1050 тонна серқаймоқ сут етказиб беришни режалаштирган эдилар. Йил бўйи сидқидилдан қилинган меҳнат баракаси бугун кўринди. Улар ўз зиммаларидаги режаларини ортиғи билан бажардилар. Меҳр ила парвариш қилинган 318 бош соғин сигирдан мўлжалдагидан юқори сут олинди. Шуниси диққатга сазоворки, соғиб олинган сутнинг ёғлилик даражаси аввалги йилларга қараганда анча юқори 308 фоизни ташкил этди. Бундай муваффақиятга Анор Хўжамуродова, Нигора Жўраева, Фарида Нормуҳамедова каби соғувчилар катта ҳисса қўшган бўлсалар, Собир Тожибоев, Ботир Эргашев, Раҳмонали Пирматов сингари молбоқарлар сигирларнинг маҳсулдорлигини оширишда уларга катта кўмак бердилар.

Хўжалик чорвадорлари йил охиригача яна 30 тонна сут топширишга бел боғлаб меҳнат қилмоқдалар. Шуни таъкидлаш лозимки, хўжалик чорвачиликдан 2 миллион 132 минг сўм даромад қилди.

●

## ТЕХНИКА СОЗЛАНМОҚДА

● НОҲИЯДАГИ таъмирлаш ишлаб чиқариш корхонаси ишчи-хизматчилари ҳар йили деҳқон қаноти ҳисобланган қишлоқ хўжалиги техникаларини тузатиб бериб, пахта мавсумининг яхши ўтишига катта ҳисса қўшиб келмоқдалар. Айни кунларда корхонанинг аппарат цехида иш яна қизғин тус олди. Чунки бу йилги мавсумда ишдан чиққан ва таъмирланишга муҳтож бўлган пахта териш агрегатларининг аппаратларини янги мавсумга шай қилиб қўйиш зарур. Шунинг учун устаталарнинг тузатиш ишларига барвақт киришдилар. Улар кунига 3—4 тадан аппаратни таъмирдан чиқаришяпти. Цехнинг Пётр Ким, Сергей Пак, Лилия Собирова каби усталари белгиланган кунлик режаларини ортиғи билан бажаришга эришмоқдалар.

**Рустам КАМОЛОВ,**
**Чиноз ноҳияси.**

●

## ЭРТАНИ ЎЙЛАБ

● ҲАҚИҚИЙ деҳқонларгина эртанги кун ҳосили ҳақида ҳозирдан ғайғуради, иш юритади. Қибрай ноҳиясидаги «Қизил Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг Ҳамидулла Ибрагимов бошлиқ бригада деҳқонлари ҳам келгуси йилда эл дастурхонига эртаги сабзавот етказиб беришни мақсад қилиб айни кунларда иссиқхоналарда кўчат етиштиришга киришдилар.

Бригада мирзакорлари 1992 йилда 50 гектар ерда эртаги карам етиштиришни ният қилганлар. Шунинг учун улар иссиқхонага 6 килограмм карам уруғи сепиб қўйишди. Кўчатларнинг бир текис униб чиқишида Абдураҳмон Мирбоқиев, Маъмура Эргашева, Муҳаббат Деҳқонбоева, Раҳима Аҳмедова, Рихси Мирзакаримова каби деҳқонларнинг хизмати катта дир.

**Темир ҚОДИРОВ.**

# ОДАМЛАР ТАШВИШИ БИЛАН

ҚИШЛОҚ Кенгаши ижроқўми раиси хонасига бир аёл кириб келди. Уни Абдураҳмон Ғаниев илиқ қарши олди.

Раис кўрсатган ўриндиққа ўтирган аёл аввалига бир зум ўйланиб қолди.

— Ўнта болам бор,— сўз бошлади у ниҳоят.— Замонага шак келтириш жоиз эмас-ку, лекин ун, гуруч, ёғ каби маҳсулотлардан жуда қийналиб қолдик. Бунинг устига кенжатойимиз аскарликдан қайтяпти. Вироз газмолдан ёрдам керак эди.

— Тушунарли,— деди раис,— гуруч, ун, ёғ дўконда бор. Ўғлингизнинг келишига ҳам бу маҳсулотлардан ёрдам берамиз. Чит эса бугун дўконларга олиб келинади. Эрталаб олишингиз мумкин.

— Умрингдан барака топ ўғлим, раҳмат.— Аёл миннатдорчилик билдира-билдира хонадан чиқди.

Аёлни кузатиб қоларкан ижроқўм раиси хомуш тортгандек ўйланиб қолди.

Тўғри, танқислик кишиларнинг, айниқса, кўп болали оилаларни танг аҳволга солиб қўйди. Уларнинг дардлари бизнинг дарду-ғамимиз. Қўлдан келганча, имкониятимиз борича ёрдам беришга ҳаракат қилишимиз лозим.

Эски Қовунчи—Янгийўл ноҳиясидаги йирик қишлоқлардан бири. Унинг ҳудудида бир жамоа хўжалиги ва 30 га яқин турли ташкилот ва муассасалар жойлашган бўлиб, 20 мингга яқин аҳоли истиқомат қилмоқда. Қишлоқ Кенгашининг 50 депутати бўлиб, касб-кори, ёши, лавозими хилма-хил бўлган кишилардир. Бироқ уларни ягона мақсад —сайловчиларга сидқидилдан хизмат қилиш туйғуси бирлаштириб турибди. Бу ҳозирги қийин ва мураккаб даврда ёрқин намоён бўлаётганлигини қишлоқлардаги ҳар бир оила, ёшу қари сезиб турибди.

Сайловчиларнинг наказлари — кўпчиликнинг хоҳиш-иродаси, орзу-умиди. Ижроқўмнинг фаолиятига, депутатларнинг фаоллигига наказларнинг қандай бажарилаётганлигига қараб баҳо берилади. Ана шу жиҳатдан олганда ижроқўм, депутатлар ва доимий комиссиялар аъзоларининг сайловчилар олдида юзи ёруғ дейиш мумкин. Сайловчилар томонидан берилган 57 наказнинг ярмидан кўпроғи шу кунгача бажариб қўйилди-да, ахир.

Абдурашид Ҳожимуҳамедов, Жумабой Маҳкамов, Раҳматилла Мамбетов, Муаззам Эргашева, Орифжон Йўлдошев каби фаол депутатларнинг ташаббуси билан 3 километрдан ортиқ йўл асфальтланди, қабристонлар тартибга солинди.

Юсуфбек Тўймабоев — Калинин номли жамоа хўжалигининг илғор бригада бошлиғи. У етакчилик қилаётган бригада деҳқонлари пахта ва бошқа экинлардан муттасил мўл ҳосил етиштириб, йиллик режаларини ортиғи билан уринлаб келишаяпти. Юсуфбек ака қишлоқ Кенгаши депутати сифатида ҳам қишлоқ аҳлининг ҳурматини қозонган. У кўпгина яхши ва ободонлаштириш доимий комиссияси фаолиятидан айниқса мамнун бўлмоқдалар. Комиссия аъзолари савдо тармоқлари, соғлиқни сақлаш муассасаларида тез-тез бўлиб турадилар. Текширувлар жараёнида аниқланган нуқсонлар қишлоқ Кенгаши сессиялари, ижроқўм мажлисларида муҳокама этилиб, уларни бартараф этишга қаратилган аниқ қарорлар қабул қилинмоқда. Аҳолига савдо хизмати кўрсатиш анча яхшиланганлиги, турли касалликлар сезиларли даражада камайганлиги комиссия фаолиятига берилган энг яхши баҳодир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилашга қаратилган Фармонларини оғишмай амалга ошириш ижроқўм ва депутатларнинг доимий диққат марказида. Аҳолига томорқаларини сайловчилар ажратилиб, шахсий чорва эгалари ем-хашак билан таъминланаётир. Шу йилнинг ўзидагина шахсий чорва моллари эгаларига 25 тонна омухта ем, 41 тонна кунжара ажратилди.

Юқорида айтилганлардан қишлоқ Кенгаши ижроқўми фаолиятида ҳамма иш рисоладагидай экан, деган хулоса чиқарилмаслиги керак, албатта.

— Ишимизда ҳали расмиятчиликка тўла барҳам берганимизча йўқ,— дейди қишлоқ Кенгаши ижроқўмининг котиби А. Мўминов.— Кўпроқ вақтимиз маърузалар, қарорлар, турли маълумотномалар тайёрлашга сарф бўлаяпти. Бунинг ўрнига биз бевосита сайловчилар билан ишлашни, уларни қабул қилишни яхшиласак мақсадга мувофиқ бўларди.

Ўтган сайловдан сўнг бўлиб ўтган дастлабки сессияда қишлоқ Кенгаши раиси ва ўринбосари сайланди. Уларнинг ҳар бири нима иш билан шуғулланиши лозимлигини, тўғрисини айтганда ҳеч ким дуруствоқ билмайди.

— Менимча қишлоқ Кенгашида ё ижроқўм раиси ёки Кенгаш раиси бўлиши лозим,— дейди ижроқўм раиси А. Ғаниев.— Ана шунда улар бир-бирининг ишини такрорламайди. Қолаверса, кўп жойларда ҳозир қишлоқ Кенгашлари раислари номигагина сайлаб қўйилганлигидан кўз юмиб бўлмайди.

Маҳалла қўмиталарининг аҳоли ўртасида тарбиявий иш олиб бориш, одамларнинг кундалик турмушидан боҳабар бўлиб туриш, дардғамларига шерик бўлишдаги роли ҳозирги вақтда тобора ортиб бормоқда. Қишлоқда 11 та маҳалла қўмитаси ташкил этилган. Наби Собиров каби маҳалла қўмиталарининг раислари ўз вазифаларини сидқидилдан бажариб, кўпчиликнинг ҳурматини қозонмоқдалар. Бироқ бу ўринда ҳамма маҳалла қўмиталарининг ҳам кўнгилдагидай ишламаётганлигини айтиб ўтиш жоиздир. Бунга барҳам бериш учун қўмита раисларига ойлик маош белгилаб қўйиш муҳимдир. Қўмита раиси маош олса, моддий манфаатдорлиги ошса, у зиммасидаги масъулиятни чуқурроқ ҳис этган бўларди.

Биз юқорида қишлоқ Кенгаши ҳудудида 30 га яқин корхона, ташкилот ва муассаса борлигини айтиб ўтган эдик. Табиийки, қишлоқ маҳаллий бюджети ана шуларнинг даромадидан олинадиган солиқлардан таркиб топади. Аммо бюджетга Калинин номли жамоа хўжалиги, жумҳурият юк ташиш автокорхонаси ва «Имкон» ширкатигина даромад солиғини ўтказади. Қолган ташкилот ва корхоналар даромад солиғи район маҳаллий бюджетига кетади. Агар қишлоқ маҳаллий бюджетига даромад солиғи ўтказадиган корхона ва ташкилотлар кўпайтирилса, ободонлаштириш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга кўпроқ маблағ ажратиш имконияти туғилади.

**Мирзааҳмад ПЕЙСЕНОВ.**

## МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ВА ҲАЁТ

● **БЕКОБОД нон заводида ишлаб чиқариш жараёни бир маромда давом этмоқда. Корхона жамоаси ҳар куни ўнлаб тонна нон ва нон маҳсулотларини тайёрлаб, шаҳардаги ҳамма нон дўконларига етказиб бермоқда. Ушбу суратда нон ташувчи Фарогат Аллоевани иш устида кўриб турибсиз. У ўн йилдан бери ўз касбини сидқидилдан бажариб келмоқда.**

**Сураткаш М. ҚОРАБЕКОВ.**

ОҲАНГАРОН ЯНГИЛИКЛАРИ

## КЕЛГУСИ ЙИЛ ҲИСОБИГА

**Абдуқодир Қўшматов етакчилик қилаётган иккинчи ун тегирмон цехи дон маҳсулотлари комбинатининг юраги ҳисобланади. Цехда асосан, ун маҳсулоти ишлаб чиқарилади. Бу йил цех жамоасининг асосий мақсади маҳсулот сифатини оширишга қаратилган эди. Мақсадга бажоли қудрат эришиш билан биргаликда йиллик режа — ўн етти минг тонна ун маҳсулоти ҳам муддатидан бир ой илгари ишлаб чиқарилди.**

**Цех жамоаси қўлга киритган бу ютуқларда С. Абдусаматов, Н. Тухватулина, З. Зондов ва бошқаларнинг ҳиссалари катта бўлди. Улар кунлик режаларини 105—110 фоиздан ошириб адо этиб, бошқаларга ўрнак бўлишди.**

**Айни кунларда аҳил жамоа хизматчилари келгуси йил ҳисобига маҳсулот топширишмоқда.**

## ЁШ МУХБИРЛАР ТЎГАРАГИ

**НОҲИЯНИНГ Қорахтой қишлоғидаги 2-кашшофлар уйи қошида «Ёш мухбирлар» тўгараги иш бошлаганига деярли кўп вақт бўлгани йўқ, бироқ тўгарак аъзоларининг сони кундан-кунга ортиб боряпти. Ёш қаламкашларга таниқли журналист Қ. Одинаев бевосита раҳбарлик қилмоқда.**

**Ўқувчилардан Гулжаҳон Қурбонова, Инобатхон Имонқулова, Нодира Абдусаматова, Баҳромжон Ҳасанов ва бошқалар тўгарагининг энг яхши фаоллари ҳисобланишади. Тўгарак аъзолари илк машқларини ноҳия рўзномаси «Оҳангарон»да мунтазам ёритишга эришмоқдалар.**

**«Ёш мухбирлар» тўгараги ҳафтасига икки маротаба ишлаб турибди. Тўгаракда ўқувчилар журналистиканинг сир-асрорларини қунт билан ўрганмоқдалар.**

**А. МАҲКАМОВ.**

• *Атроф—муҳит*

# ЗАВОЛИ ТУТАДИ

БИЗ нафас олаётган ҳаво шу қадар ифлосланиб кетганки, у инсонлар саломатлигига, ўсимликлар ва ҳайвонлар дунёсига ҳам путур етказмоқда. Турли-туман касалликлар кўпайишининг энг асосий сабабларидан бири ҳам шунда. Корхоналар дудбуронларидан ҳамон бурқсиб чиқаётган тутун, автотранспорт воситалари тарқатаётган заҳарли газлар ҳавони шу қадар булғамоқдаки, унинг олдини олмаслик яқин вақт ичида жуда хунук оқибатларга олиб келиши мумкин.

Шунинг учун ҳам атроф-муҳитга зарар келтираётган манбаларни бартараф этиш шу куннинг кечиктириб бўлмас вазифасига айланди. Илгари ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишда табиат муҳофазаси масалаларига эътиборнинг умуман берилмаганлиги, ҳозирги вақтга келиб жуда кўп муаммоларни кўндаланг қилиб қўйди. Уларни ҳал қилишнинг ўзи бўлмаяпти. Лекин аҳволни эски ҳолича қолдириб бўлмаслиги ҳам ҳаммага аён.

Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи энг асосий манба автотранспорт, деб жуда тўғри айтишади. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган хоҳ юк, хоҳ енгил автомашина бўлмасин ҳавони кўп миқдорда ифлос қилаяпти. Бунинг сабаби бир томондан ички ёнар двигателларнинг юксак талаблар даражасида эмаслиги бўлса, иккинчи томондан фойдаланилаётган ёнилғилар—бензин, дизелнинг турли-туман аралашмалар билан ифлосланганлиги, оқибатда уларнинг тўла ёнмаслигидир. Олиб борилган текширишлар вилоятимизда ишлатилаётган бензинлар октан, яъни ёнувчи қисми маркасига тўғри келмаслигини кўрсатмоқда.

Автотранспорт воситаларининг атмосферага чиқараётган заҳарли тутун ва газлари кўпинча нормада назарда тутилганидан ортиқ бўлмоқда. Шу йилнинг бошидан бери вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари ўтказган текширишлар натижалари шундан далолат бериб турибди. Вилоят шаҳарлари ва ноҳияларида ҳаммаси бўлиб йигирмата автомобиль корхонаси текширилганда шундай манзарага дуч келинди. Бу корхоналардаги салкам саккиз юзта автотранспорт воситаларининг теварак-атрофга таратаётган заҳарли гази миқдори ўлчаб кўрилди. Қарангки, уларнинг ўттиз тўрт фоиздан кўпроғи носоз бўлиб чиқди, яъни 226 та автомашинани ҳавога нормада белгиланганидан анча ортиқча, ҳатто бирнеча баравар ошиқ тутун чиқараётгани маълум бўлди. Бу тутунлар таркибида табиат учун ниҳоятда зарарли бўлган моддалар бор эди.

Биргина Янгийўл шаҳридаги тўртта автокорхонада 164 та автомашина текширишдан ўтказилди. Уларнинг ўн тўққизтаси ҳавони нормадагидан ортиқча ифлослантираётгани аниқланди. Фоизга чақадиган бўлсак, у 11,53 фоизни ташкил этади. Бу нисбатан дурust кўрсаткич эди. Чунки бошқа жойлардаги автокорхоналарда аҳвол бунга қараганда анча мушкул бўлиб чиқди.

Бу «кўрсаткич» айниқса Олмалиқда «юқори» эди. Барча текширилган транспорт воситаларининг ярмидан кўпроғи, аниқроғи 54,3 фоизи ҳавога нормадагидан анча кўп заҳар чиқараётганлиги аниқланди.

Тошкент ноҳиясида қатор автокорхоналар жойлашган. Уларнинг учтасида текшириш ўтказилиб, сал кам юзта автотранспорт воситасининг қай даражада созлиги кўздан кечирилди. Бу машиналарнинг қирқ иккитаси ҳавога газни нормадагидан бир неча баравар кўп чиқараётганлиги маълум бўлди. Худди шундай нуқсонларга Янгийўл, Калинин, Қибрай, Ўрта Чирчиқ, Бўка ва бошқа қатор ноҳияларда ҳам йўл қўйилган. Уларда текширилган автомашиналарнинг йигирма—қирқ фоизи, ундан ҳам ортиқроғи носоз бўлиб чиқди.

Атроф-муҳитга нормадагидан ортиқча заҳарли чиқиндилар чиқишига йўл қўйилишида айбдор бўлган раҳбар ходимларга нисбатан тегишли чоралар ҳам кўрилди. Носоз автомашиналарнинг табиатга етказган зарари ҳисоблаб чиқилиб жарималар миқдори белгиланди. Ўн саккизта автотранспорт корхонаси раҳбарларига деярли бир юз олтмиш минг сўмлик даъво билан чиқилди. Бундан ташқари шахсан корхоналар раҳбарларига ҳам жарималар солинди. Улар ўз ҳамёнларидан жарималар тўлашди, турли хил моддий рағбатлантиришлардан маҳрум этилди.

**М. МАҲМУДОВ.**

# БИЗ СИЗ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ИШ ОЛИБ БОРИШГА ТАЙЁРМИЗ!

## КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

**Қибрай ноҳия матлубот жамиятлари уюшмаси қошидаги Ўзбекистон жумҳурияти «ТОШКЕНТ» мол-хом ашё универсал биржасининг брокерлик идораси Сизлар билан ҳамкорликда иш олиб бориш учун тайёр.**

**Брокерлик идораси ўзаро манфаатли мақсадларни кўзлаб сизнинг хом ашё, товар, техника, ускуна ва бошқа маҳсулотларингизни иттифоқдош жумҳуриятларга сотиб бериш, шу билан бирга буюртмаларингизга мувофиқ иттифоқдош жумҳуриятлардан хом ашё, товар, техника, ускуна ва бошқа маҳсулотларни харид қилиш хизматларини ўз зиммасига олади ва бу ишларни амалга оширишга КАФОЛАТ БЕРАДИ.**

Сиз билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб боришдан хурсандмиз.

**Маълумотлар учун қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин:**

Қибрай ноҳия матлубот жамиятлари уюшмаси қошидаги брокерлик идораси, Қибрай қўрғони, Ҳамза кўчаси, 2-уй. Телефонлар: 63-245, 61-545, 61-676.

Тошкент шаҳрида: Ўзбекистон кўчаси, 45-уй. «Ўзбекбирлашув» бошқарув ҳайъатининг идораси. Ўзбекистон жумҳурияти «Тошкент» мол-хом ашё универсал биржаси.

*Адлия ходими минбари*

# ФАРМОНЛАР СЎЗСИЗ БАЖАРИЛСИН

Маълумки, иқтисодий қийинчиликлар авж олаётган. нархлар тўхтовсиз кўтарилиб бораётган бугунги кунда фаҳрийлар, меҳнатга яроқсиз ҳамда ёлғиз фуқароларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш муҳимдир.

Хўш, Президентнинг бу соҳадаги Фармонлари қандай бажарилмоқда? Вилоятимиз бир қатор район ва шаҳарларида ўтказилган текшириш натижалари бу борада талайгина камчиликларга, эътиборсизликларга йўл қўйилганлигини кўрсатди. Масалан, Тошкент район кенгаши 1990—1991 йилларда Улуғ Ватан урушининг 20 нафар қатнашчиси ва ногиронига қарашли уйларни таъмирлаш учун маҳаллий бюджетдан 21,7 минг сўм ажратган эди. Текшириш пайтида «саховат» кўрсатиш, меҳр-оқибатли бўлиш тўғрисидаги баландпарвоз гаплар, кўрсатмалар қоғозларда қолиб кетганлиги маълум бўлди. Қарангки, шунча вақтдан бери биргина С. Орифжоновнинг уйи таъмирланибди. 1990 йилнинг 29 августида Тошкент район ижроия комитети қарамоғида 14 нафар ниши бўлган уруш қатнашчиси К. Боқиевга уй қуриб бериш учун 1149 сўм ажратиш тўғрисида қарор қабул қилди. Биз К. Боқиев билан суҳбатлашганимизда, у бу қарордан бехабарлигини айтди. «Агрокоммунстройремонт» пудратчи ташкилоти қурувчилари эса қарор бўйича ишга киришишни хаёлларига ҳам келтирмаганлар. Бошқа кўплаб фаҳрийлар ҳам ўзларига нисбатан эътиборсизлик қилишаётганликларини айтишди.

Фаҳрийлар, ногиронлар ҳамда ёлғиз қариялар бириктирилган савдо дўконларида ҳам уларга кўнгилдагидек хизмат кўрсатилмаяпти. Масалан, Тошкент район ижроия комитети қарори билан Улуғ Ватан урушининг 30 нафар қатнашчиси ва ногирони тегишли савдо тармоқларига бириктириб қўйилган эдилар. Лекин қарор матлубот жамиятининг мутасадди кишиларига етказилмаганлиги сабабли фаҳрийлар узоқ вақт имтиёзли савдо хизматидан фойдаланмадилар. Буни У. Ҳайдарова, Н. Йўлдошева («Ўзбекистон 50 йиллиги» номидаги жамоа хўжалиги), А. Ражабова (Абдураҳмонов номидаги шўро хўжалиги), В. Янабоева (Кўктерак қўрғони)лар ва бошқа кўпгина кишилар ҳам тасдиқладилар.

Амалдаги қонунчиликка лоқайд муносабатда бўлганликлари учун район ижроия комитети раисининг ўринбосари С. Аъзамова, ижтимоий таъминот бўлими мудири С. Адашеваларни маъмурий жавобгарликка тортиш масаласи қўйилди.

Президент Фармонларига биноан район ва шаҳар ижроия комитетлари 1990 йил давомида уруш ногиронлари ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларини турар-жой билан, 1991 йилда эса барча уруш қатнашчилари ҳамда уларга тенг бўлган кишиларни ҳисобга олишлари лозим эди. Бироқ, бу борада ҳамон ўзибўларчилик ҳукм сурмоқда. Солдатский шаҳар ижроия комитети 1989 йили ҳисобга олинган 6 нафар уруш қатнашчисини, Ангрен шаҳар ижроия комитети 7 нафар байналмилалчи, 2 нафар уруш қатнашчисини, Янгийўл шаҳар ижроия комитети 19 нафар байналмилалчи, бир уруш қатнашчисини турар-жой билан таъминлагани йўқ.

Янгийўл шаҳридаги 365-кўчма механизациялашган колоннада уруш ногирони Е. Шемягин (у 9 оила аъзоси билан 49,9 квадрат метр ҳажмдаги жойда яшайди) турар-жойини яхшилаш мақсадида 1986 йили ҳисобга ёзилган эди. Кейин негадир навбатдан ўчирилди. Бу ишга прокурор аралашгач, у яна рўйхатга қўйилди. Лекин 1990 йили квартира тақсимлаш пайтида бояқиш ногирон учинчи марта рўйхатдан учиб кетди. Ана шу қонунбузарлик тўғрисида шаҳар прокуратураси шаҳар ижроия комитетига тақдимнома киритди.

Квартираларни шахсий мулк сифатида ўтказиб беришда ҳам тўрачилик, ўзбошимчалик ҳали ҳам давом этмоқда. Масалан, Янгиобод шаҳридаги 2-руда бошқармасига қарашли 110 нафар уруш қатнашчиси яшаётган уйнинг 63 квартираси шахсий мулк сифатида хатлаб берилди. Лекин Чиғириқ қўрғонида яшаётган 41 нафар уруш қатнашчисининг ана шу масала юзасидан берган аризалари қондирилмади. «Валиқчи» тажриба ишлаб чиқариш бирлашмаси, Янгийўл мебель фабрикасининг Ғалабадаги филиалида, ҳам юқоридагидек қонунбузарликлар мавжуд.

Фаҳрийлар, ногиронлар, ёрдамга муҳтож кишиларга телефон ўтказиб бериш кўнгилдагидек бажарилмаяпти. Ангрен шаҳрида 19 нафар уруш ногирони, 27 нафар қатнашчиси, 4 нафар байналмилалчи жангчи, 13 нафар ҳалок бўлган ҳарбий хизматчи оиласи аризалари ҳамон қондирилгани йўқ. Ўз уйларига телефон ўрнатилишини узоқ вақтдан бери кутиб юрган кишилар Ғалаба райони, Янгийўл шаҳрида жуда кўп.

Халқимиз азал-азалдан бировлар ёрдамига муҳтож кексаларга ёрдам қўлини чўзиб келган. Лекин ана шу олижаноб анъана Оққўрғон районида бузилди. Район ижроия комитетининг 71 нафар фаҳрийга имтиёзли равишда савдо хизмати кўрсатиш тўғрисидаги қарорига қарамай район матлубот жамияти раҳбарлари бу савоб ишни тўрт ойга кечиктириб юбордилар. Олмалиқ шаҳрида 104 нафар фаҳрийга алоҳида зарур эҳтиёж моллари тарқатилмаяпти, Ангренда эса 193 фаҳрийдан 136 нафари бепул озиқ-овқат билан таъминланмоқда. Шунингдек, Янгийўл, Паркент, Юқори Чирчиқ, Чиноз, Ўрта Чирчиқ районларида ёлғиз кексаларга тўлиқ равишда имтиёзлар берилмаган.

Маҳаллий Кенгашлар ижроия комитетлари Президент Фармонларининг сўзсиз бажарилишига эришмаяптилар, бу масала йиғилишларда камдан-кам муҳокама қилинмоқда, фақат қарор қабул қилиш билангина чекланиб қолмоқдалар.

Фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқлари енгил автомашиналар тақсимлаш борасида ҳам бузилмоқда. Ўрта Чирчиқ район ижтимоий таъминот бўлимининг автомашиналар тақсимлаш комиссияси раиси В. Афанасьев ўз мансабидан ва назоратсизликдан фойдаланиб навбати келмай, «Жигули» автомашинаси олди. Қарангки, унга автомашина ўзи раислик қилган комиссиянинг қарори билан ажратилди. Ҳолбуки, В. Афанасьев шахсий фаҳрий сифатида навбат рўйхатининг 7-ўрнида турар, унгача 4 фаҳрий автомашина олмаган эди.

Худди шу район ижтимоий таъминот бўлимида уруш ногирони М. Зокировга нисбатан адолатсизлик қилинди. Шундан кейин у район ижроия комитетига ариза билан келди. Бу ариза ижтимоий-таъминот бўлимига юборилди. Фаҳрийлар, ногиронлар, қаҳрамон оналар умид-илинж билан келадиган мўътабар жойда бағритошлик, ҳудбинлик, ўзибўларчилик ҳукм сураётган экан! Шунинг учун ҳам М. Зокировнинг аризаси йўқолди. Ногирон одам бўлчининг моккиси бўлиб қолди, идорама-идора кезиб юраверди. Ниҳоят вилоят прокуратураси аралашуви билан ариза топилди (етти йилдан кейин!) ва унга автомашина берилди.

Агар биз ҳамон юзхотир қилиб, назоратни бўшаштирсак бундай соҳаларда тартиб ўрнатиш қийин. Шунинг учун ҳам Оққўрғон, Ўрта Чирчиқ, Ғалаба, Тошкент районлари, Янгиобод, Янгийўл шаҳарларининг ижроия комитетлари айбдор бўлган мансабдор шахсларга нисбатан лозим чораларни кўришлари зарур.

**А. МАННОНОВ,**
**вилоят прокурори, 3 класс давлат маслаҳатчиси.**

## ҲАМДЎСТЛИК ДАВЛАТЛАРИДА

ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

### ЯНГИ ПАРТИЯ ҚУРУЛТОЙИ

ЎТГАН шанба ва якшанба кунлари Москвада янги тузилган Меҳнаткашлар Социалистик партиясининг биринчи қурултойи бўлиб ўтди. Россиянинг 65 та музофотидан 300 га яқин делегат қатнашган бу анжуманда партиянинг мақсад ва вазифалари ҳақида гап борди. Партия ўз олдига давлат ва жамиятни парчаланиб кетишдан сақлаб қолиш, маош олиб яшаётганларни изчил ҳимоя қилиш вазифасини қўйгандир. Бу вазифаларни меҳнаткашларнинг бошқа партиялари ва ҳаракатлари билан, касаба уюшмалари, ёшлар ташкилотлари билан жуда яқин алоқада туриб ҳал этиш мумкин.

Қурултой Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги тўғрисидаги битимни маъқуллаб кутиб олди. Анжуманда Меҳнаткашлар Социалистик партияси раҳбар органлари ва 7 кишидан иборат партия ҳамрайслари сайланди. Улар орасида СССР халқ депутатлари А. Денисов ва Р. Медведевлар бор.

### ҚАЙСИ КУНЛАРИ БАЙРАМ ҚИЛИНАДИ?

РСФСР Олий Кенгаши Раёсати «Меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди. Унда 7 январда Исо Масих туғилган кунни, 8 мартда эса Халқаро хотинқизлар кунини, 8 ва 9 май кунлари Ғалаба кунини байрам қилиш таклиф қилинмоқда. 12 июнь Мустақиллик куни бўлиб қолади. Чунки 1990 йил худди шу куни Россия халқ депутатлари 1 қурултойи РСФСР давлат мустақиллиги тўғрисида Декларация қабул қилган эди.

Янги йил байрам кунларига келганда эса уни тўрт кун мобайнида—30 декабрдан 2 январгача нишонлаш таклиф қилинмоқда. 7 — 8 ноябрь большевиклар революцияси йиллиги ва 1—2 май меҳнаткашлар Халқаро бирдамлик куни байрамлари бекор қилинади. Ана шу қонун лойиҳасини Олий Кенгаш сессияси 27 декабрда кўриб чиқмоқчи.

### МЎЛ-КЎЛЧИЛИК БЎЛАРМИКИН?

МОСКВАНИ озиқ-овқат билан таъминлашда энг оғир давр келгуси йилнинг 20 январигача давом этади, ана шу кундан кейин чет эл қарзлари бўйича озиқ-овқатларни оммавий тарзда етказиб бериш бошланади, деб ҳисобламоқда Россия ҳукумати бошлиғининг ўринбосари Егор Гайдар. Январь ойининг биринчи ҳафтаси давомидаёқ Европа ҳамжамиятидан 300 миллион долларлик инсонпарварлик ёрдами кела бошлайди. Собиқ Иттифоқ республикаларидан, аввало Беларусдан гўшт юбориш қайта йўлга қўйилади. Гўшт консервалари ва музлаган гўшт маҳсулотларини давлат ресурсларидан олиниши кутилмоқда.

### КАЙФ БИЛАН КАСАЛХОНАГА ТУШИБ ҚОЛСА...

ЧЕЛЯБИНСК шаҳрида келгуси йил 1 январидан даволаш муассасаларига кайф билан шифохоналарга тушиб қолганлардан ҳақ ундириб олиш ҳуқуқи берилди. Бунда қаттиқ ва ўрта даражада маст ҳолда келганлик алоҳида ҳисобга олинади. Даволанишга кетган харажат, касалхонада ётган кунлари кўрсатилган хизматлар ва шифокорлар меҳнатига тўланадиган иш ҳақи ҳаммаси ҳисобга олинади. Сал ширакайф ҳолда касалхонага тушиб қолган қонунбузарлардан ҳам дастлабки кунлардаги муолажа учун ҳақ ундирилади.

### ТАКСИЛАР ҚИММАТЛАШДИ

ТАЛЛИН таксилари, чамаси, энг қиммат транспорт турига айланмоқда. Бундан буён «Волга» маркали такси машиналарида юрганлик учун ҳар километрига 4 сўм ҳақ тўланиши керак. Машинага ўтирганлик учун ҳам яна шунча миқдорда пул берилади. Бу иш кунлари кундузги вақтда тўланадиган ҳақдир. Байрамларда ва кечаси таксида юрганлик учун километрига 6 сўм олинади, машинага ўтирганлик учун тўланадиган ҳақ ҳам худди шу тарзда ортади.

(МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИКЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ҲАМДЎСТЛИК ДАВЛАТЛАРИДА

# ЕР—ДУР УНДИРГАННИКИ

ШУДГОРЛАНМАГАН ер хасталаниб йиғлаётган беморга ўхшайди. Бу гапнинг тагида наинки чуқур маъно, балки фақат заминни севувчи деҳқонгагина аён бўлган ҳақиқат мужассам. Чунки, бўлажак ҳосил пойдевори шудгордан бошланади. Мўл ҳосил ризқу-рўз дегани бўлса, ризқу-рўз тотув ҳаёт тўю-томоша деганидир. Шунинг учун ота-мерос бу тадбирга диққат-эътибор ҳар бир деҳқоннинг муқаддас бурчидир.

Афсуски, биз кўпинча ана шу тадбирнинг аҳамиятини унутиб қўямиз. Унга етарлича эътибор бермаймиз. Бефарқликнинг лоқайдликка айланишигача бўлган оралиқ масофа эса кўп эмас. Бир одим. Момо ер эса ҳеч қачон ўзига бўлган лоқайдликни кечирмаган...

Асл деҳқон борки, ер эъзозда, меҳр ила парваришда. Бир парча ерда ҳам сидқидилдан меҳнат қилиб, бўйи баробар олтин ундирган деҳқонлар кўп бизда. Уларга ҳар қанча таъзим қилсанг, такаллуф кўрсатсанг арзийди...

Аммо мен масаланинг юқорида айтилган жиҳатига кўпроқ тўхталишни лозим топдим. Чунки, бу йилги тажриба ҳамда бой берилган баъзи имкониятлар ана шу жиҳат юзасидан мулоҳаза юритишни тақозо этмоқда.

Кейинги икки йил давомида Президентимиз фармонига мувофиқ аҳолига томорқа ерлари берилиши одамларнинг ерга бўлган хўжайинлик ҳиссини орттирди. Бу яхши. Лекин шу билан бирга талайгина муаммолар ҳам пайдо бўлди. Асосий муаммо, назаримда ердан унумли фойдалана олмаётганимиз. Бунга асосим бор. Хизмат юзасидан жуда кўп хўжаликларда бўламан. Уста деҳқонлар, фаоллар билан суҳбатлашаман. Аксарият деҳқонлар ёинки хўжалик раҳбарлари фақат бир нарсадан нолишади. Томорқа учун берилаётган кўплаб ерларнинг умри бекорга ўтаётганлигидан. Ахир Президентимиз ерни «сақлаб қўйиш» учун бериш ҳақида фармон чиқарганмиди?! Фармоннинг йўли, йўриғи ҳар бир қишлоқ хонадони манфаати учун қаратилган эди-ку! Уй қуриб олсин, экин экиб у—бу нарса етиштирсин, мол-ҳолини кўпайтирсин деган мулоҳаза юритилганди-ку бу фармонда! Уларнинг бу таажжубли эътирозлари ўринли. Тўғрисини айтиш керак, ҳамма ҳам ердан фойдаланишнинг уддасидан чиқолмаяпти. Хусусан, ер олган ўзига анча тўқ бўлган хонадонлар ёки деҳқончилик қилишни ўзига эп кўрмайдиган баъзи бир кишиларнинг лоқайдлиги сабаб олтинга тенг томорқа учун ажратилган ер майдонлари ўз ҳолича ташлаб қўйилмоқда.

Ер хазина деймизу, лекин ана шу хазинани ардоқлаш йўлида баъзи олдиндан қилинадиган тадбирларга ҳам бефарқмиз. Фақат хўжайинлик қилиш билан, бу ҳисдан фахрланиш билангина иш битмайди. Ер ҳам эътибор, қаров талаб қилади. Уни ҳам авайлаб ҳам эъзозлаган кишининггина усти бут, қорни тўқ бўлади. Тўғри эмасми?!

Мулоҳазалар қуруқ бўлиб қолмаслиги учун эътиборингизга бир нечта мисол келтирмоқчиман. Томорқа еридан ким қай даражада фойдаланаяпти, деган саволга жавоб топиш мақсадида яқинда Қибрай ноҳиясидаги бир қанча хонадонларда бўлдик. «Октябрь» жамоа хўжалиги худудида жойлашган хонадонлардан бирида бўлганимизда томорқа эгаси Ботир Ҳасанов: 13 сотих ери борлигини, ана шу ерда бу йил сабзавот етиштирганини, ҳосил яхши бўлмаганлигини, лекин ҳар ҳолда 3—4 минг сўм атрофида даромад қилганлигини айтди. Бу камми?! Менимча ўртача. Негаки, у бутун вақтини ерга сарфлагани, бағишлагани йўқ. Ҳарқалай ердан олинган даромадда турмуш ўртоғининг ҳиссаси кўпроқ. Бу ҳам бир нави. Лекин ундан ҳам кўпроқ ердан нари борса 1000 сўм ҳам даромад қилмаганлар, афсуски, кўп.

Келинг яхшиси уларни уялтирмайлик. Бундан ўзлари хулоса чиқариб олишар.

Шу ўринда томорқа ерларининг умрини бекорга ўтказаётганларга сабоқ бўлиши учун яна битта мисол келтириб ўтсак: Шаҳар типидаги «Қибрай» қўрғонида яшовчи Абдуҳошим Холмуҳамедов бор-йўғи 2,5 сотих ерда деҳқончилик қилади. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, унинг бир парча ердан олган даромади бу йил 12 минг сўмни ташкил этди. Шуниси қизиқки, Ботирнинг ҳам, Абдуҳошим аканинг ҳам касби бир — пайвандчи. Лекин, ҳар иккаласи ҳам деҳқон фарзандлари. Ота мерос деҳқончиликни канда қилмайдиганлардан.

Мени кўпроқ Абдуҳошим Холмуҳамедовнинг иши қизиқтириб қолди. Чунки унинг хонадонига қадам қўйган кишининг баҳри дили очилади. Унинг тиниб-тинчимас деҳқон эканлигига ишонч ҳосил қилади. Деҳқончилик қилишга қандай вақт топасиз, деган саволимга: биласизми, ер—дур ундирганники бўлиши керак. Вақт масаласига келсак ишдан сўнг, кечаси ҳам 4—5 соатни деҳқончиликка ажратаман. Чунки, отамнинг бир гапи доимо ёдимда: «Меҳнат қилсанг кам бўлмайсан ўғлим, меҳнатнинг нони ширин бўлади» деганлар, деди у камтарона.

Ердан фойдаланиш борасида қанчалик кўп гапирмайлик, лекин яна бир муаммо пайдо бўлдики, бу уруғчилик муаммосидир. Ўзимизнинг сара уруғларимизнинг айниб кетиши ҳосилнинг яхши бўлмаслигига олиб келмоқда. Ахир уруғ ҳам кўп нарсага боғлиқда.

Хуллас, ердан қай даражада фойдаланиш ўз қўлимиздадир. Ундан унумли фойдаланаётганларни кўриб қувонасан. киши. Лекин ер ҳақида ўйлайсизу, қаровсиз ернинг биз инсонларга илтижо кўзлари қараб тургандек бўлаверади. Беҳосдан кўпни кўрган Юқори Чирчиқлик деҳқон Зоир ака Тожибоевнинг айтган бир гапи ёдимга тушади:

— Ер ҳам чақалоқ мисол, ўғлим. Янги туғилган чақалоққа она ўз вақтида кўкрак тутқазмаса, бўлмаганидек, ерга ҳам ўз вақтида меҳр қўйиб парвариш қилинмаса, зарур бўлган озиқлар берилмаса экин унмайди, ҳосил бермайди.

Ажойиб фикр. Унинг ҳолисона айтган бу гапида ҳақиқатнинг аччиқ қисмати мужассам. Зеро, ҳозирги куннинг асосий вазифаси ерни келгуси йилга ҳозирлаб қўйишдир. Бунга, ўз вақтида киришмасак, эртага атанг қилиб қолиш ҳам ҳеч гап эмас. Шахсий таморқа сифатида ер берилаётган экан, бундай катта имкониятдан тўла фойдаланишимиз керак. Токи, бу мустақиллик сари тутилган йўл ҳаққи-ҳурмати келажак авлод дастурхонига она-замин саховатининг ширин-шакар меваси-ю, тилими тилни ёрадиган қовун-тарвузи, сара сабзавотидан ҳадя этайлик.

**Х. ШАФОАТОВ.**

# ТИКЛАНИШ ЙЎЛИДА

БУНДАН анча йиллар илгари «Озод» жамоа хўжалиги Оққўрғон ноҳиясидаги энг донгдор хўжаликлардан бири ҳисобланарди. Бу ерда нафақат ҳосил етиштиришда, балки қишлоқ аҳолининг турмуш шароитини ҳам яхшилаш борасида жуда кўп хайрли ишлар амалга оширилган эди. Жумладан, ўша йилларда мактаб, клуб, болалар боғчаси, янги турар-жой бинолари қад кўтарганди. Бу ишларнинг ташкилотчиси, хўжаликнинг жонкуяр раҳбарларидан бири раис Боқибой Сулаймонов эди. Унинг хизматларини қишлоқдагилар ҳозиргача фахрланиб, ғурур билан эслашади. Кейинчалик Боқибой Сулаймонов «юқори»нинг топшириғига биноан ўша пайтларда анча оқсаётган Вотинцев номли хўжаликка ишга юборилди. Шу-шу бўлди-ю, «Озод» жамоа хўжалиги раҳбарига ёлчимай қолди. Раислар тез-тез ўзгарадиган, охир-оқибатда эса хўжаликнинг барча соҳаларидаги кўрсаткичлари орқага кета бошлади. Янги келган раҳбарлар халқ билан ҳисоблашмасдан ўз билганича иш тутардилар. Бундан, айниқса, одамлар азият чекдилар. Хўжалик иқтисоди шундай ночор аҳволга тушиб қолдики, бу одамларнинг турмушига ҳам тобора путур етказа бошлади.

Ниҳоят, 1988 йил 10 февралда жамоа аъзолари колхозчиларнинг умумий йиғилишига «келиб-кетувчи» раҳбарлардан воз кечиш, хўжаликнинг, одамларнинг манфаати учун жон койитадиган кишилардан бирини ўзларига раис қилиб сайлаш ҳақида талаб ва истакларини қатъий қўйдилар. Кўпчиликнинг таклифи билан раисликка жамоада бош иқтисодчи бўлиб ишлаётган, олий маълумотли, шу қишлоқда ўсиб, вояга етган Абдусамат Сафоевнинг номзоди қўйилди. Ҳамма якдиллик билан унга овоз бердилар.

Халқнинг ишончини қозониш ҳеч қачон осон кечмаган. Қолаверса, одамлар унга ишонишган экан, Абдусамат ака муаммолар олдида гангиб қолмади. Ўзининг бор билимини, тажрибасини ишга солди. Биринчи навбатда иш жойларида соғлом муҳит яратишга, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга эътиборни кучайтирди. Ширин сўзи, шахсий ибрати билан ёшларни меҳнатга чорлади. Деҳқончилик соҳасида билмаганини кўпни кўрган устоз деҳқонлардан ўрганди. Уларнинг тажрибаларини оммалаштиришга катта эътибор берди. Айниқса, одамлар турмуши билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этиш йўлида елиб-югурди. Хўжалик юритишдаги ортиқча чиқимларга барҳам берди. Дала кезиб, кўпроқ деҳқонлар орасида бўлди.

Ер — хазина, деҳқоннинг ризқ-насибаси макони эканлигига у яна бир бор ишонч ҳосил қилди. Одамларнинг ана шу ризқ-насибасидан бебаҳра қолмасликлари учун уларни меҳнат қилишга ундади. Халқ — қудратли куч. Одамлар оғир дамларда бир-бирларини қўллаб-қувватласаргина ҳар қандай жумбоқнинг ечилиши осон кечади. У халқнинг бошини ана шу йўлда қовуштирди. Бундан ташқари, пахтачиликни ривожлантириш мақсадида суғориш тармоқларига, ернинг мелиоратив ҳолатига эътибор кучайтирилиб, сўнгги тўрт йил ичида деҳқончиликда талайгина бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Булар вақт ўтиши билан ўз самарасини бера бошлади. Хўжалик сўнгги йилларда пахта, сабзавот, полиз, озуқа экинларидан мўл ҳосил етиштирди. Қўлга киритилган ютуқлар эса хўжаликни иқтисодий юксалтириш, халқ турмуш шароитини яхшилашга ёрдам бераяпти. Аҳоли кўчалари асфальтланиб, хонадонларни газ билан таъминлаш мақсадида қувурлар тортилди.

Хўжалик иқтисодини кўтариш мақсадида ҳамда халқнинг мева-сабзавотларга бўлган эҳтиёжи ҳисобга олиниб, 18 гектар янги боғ ташкил этилди. Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, хўжалик ўз кучи билан 38 та замонавий усулда янги уй-жой қуриб, фойдаланишга топширди. Бу қишлоқ меҳнаткашлари учун катта қулайликлар яратди. Бундан ташқари хўжаликда қисқа муддатда юз минг сўмлик ёқилғи мойлаш материаллари омборхонаси қурилиб, ишга туширилди. Ҳозирги кунда шоли оқлайдиган тегирмон ҳамда нон тайёрлаш цехи қурилиши ниҳоясига етказилмоқда.

Абдусамат Сафоев раис бўлиб келган вақтда хўжалик давлатдан уч ярим миллион сўм қарздор эди. Бугунги кунга келиб хўжалик қарзидан тўлиқ қутилди. Ҳозир хўжалик ҳисобида икки миллион саккиз юз минг сўмдан кўпроқ маблағи мавжуд бўлиб, асосий қисми аҳолининг турмуш шароитини яхшилашга сарфланаяпти.

Давр шароитига қараб иш тутиш ҳам деҳқонларнинг хотиржам меҳнат қилишларига ёрдам бериши турган гап. Шунинг учун хўжалик омборида 15 тонна сабзи, 40 тонна буғдой, 40 тонна пиёз, 40 тонна шоли сақланаяпти. Мабодо қиш пайтида аҳолида бу маҳсулотларга эҳтиёж сезилса, дарҳол уларга тарқатилади.

Бугунги кунга келиб хўжаликда экиндан бўшаган ерлар шудгорлаб қўйилди. Келгуси йил экин мавсумида ишлатиладиган барча механизмлар созланаяпти. Хўжалик меҳнаткашлари 1992 йилда пахта ҳосилдорлигини 30 центнерга етказишга, боғ-роғларни эса 50 гектарга кенгайтиришга бел боғлаган. Бундан ташқари хўжалик маъмурияти 40 та оилага уй-жой қуришига кўмаклашишни ва хонадонларни табиий газ билан таъминлашни режалаштириб қўйди.

Ҳа, ўз халқининг дарди, юрт ободончилиги, аҳоли турмуш тарзини фаровонлаштириш йўлида меҳнат қилаётган бундай кишилар ҳеч қачон кам бўлмайдилар. «Озод»нинг шуҳрати эса яна довон ошиб бораверади.

**Омон ТУРАҚУЛОВ.**

# ЧЕТ ЭЛЛАРДА

**● ЖАНУБИЙ АФРИКА ЖУМҲУРИЯТИ**

**ЖАНУБИЙ Африка Жумҳурияти биринчилардан бўлиб Россия мустақиллигини тан олди. Ташқи ишлар вазири Р. Бота бу воқеани мамнунлик билан таъкидлади, шунингдек, ҳозирча икки мамлакат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатиш хусусида бир битимга келинмаганлигини айтди. Лекин, яқин кунлар ичида бу масала ҳам ижобий ҳал этилади, деди вазир.**

**● ГЕРМАНИЯ**

**КУНИ кеча Германия Словения ва Хорватиянинг мустақиллигини расман тан олди. Германия Федератив Жумҳурияти ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизмати хабарида айтилишича, ГФЖ президенти Рихард фон Вайцзеккернинг бу хусусдаги мактублари Любляна ва Загребда Германия бош консулхоналари ходимлари томонидан Словения ҳамда Хорватия маъмурларига топширилди.**

**● ПОКИСТОН**

**ИСЛОМОБОДДА Россия вице-президенти А. Руцкой матбуот конференциясида сўзга чиқиб, унинг қўлига совет ҳарбий асири деб топширилган йигит аслида афғон эканлигини айтди. Бироқ, Афғонистон қаршилик кўрсатиш гуруҳларидан бирининг раҳбари — мужахидлар раҳнамоси бўлмиш Мажиддиднинг ўғли АФП мухбири билан телефон орқали боғланиб, аслида ундай эмас, бу миш-мишларни Кобул ўйлаб чиқарган, деб айтди. А. Руцкой қўлига топширилган йигит чиндан ҳам Туркманистон фуқароси бўлиб, унинг исми Бобоқулдир. У бир неча йил муқаддам Кобулдан 15 километр узоқликда бўлган бир жойда отаси қўмондонлик қилган гуруҳ томонидан асирга олинган. Мажиддиднинг ўғлининг гапларига қараганда, руслар Афғонистондан кетаётганда Осиё жумҳуриятларидаги миллатларга мансуб кўпгина йигитларни маҳаллий милицияда ишлаш учун қолдирганлар. Улар Нажибулло тузумини қўриқлашда унга мадад беришлари керак бўлган. Ўзини Ҳабибулло деб таништирган йигит ана шундай «гаровга қолдирилган» аскарлардан бўлиши мумкин.**

**● ХОРВАТИЯ**

**18 ДЕКАБРДАН 19 декабрга ўтар кечаси Хорватия президенти Франьо Тужман ҳаётига суиқасд уюштирилди. Президент Австриянинг Граца шаҳрида Югославия бўйича тинчлик конференциясида раислик қилаётган лорд Каррингтон билан бўлган учрашувдан қайтиб келаётганида унинг машинаси миналар ва пулеметлар билан ўққа тутилди. Миналар мўлжалга тегмади. Пулемет ўқлари эса Ф. Тужман тушган машинани тешиб ўта олмади. Чунки, унинг машинаси мустаҳкам зирҳ билан қопланган эди.**

**● ВЕНГРИЯ**

**ВЕНГРИЯ пойтахти кўчаларидан бирида Совет Иттифоқидан келаётган бир гуруҳ муҳожир яҳудийлар тушган автобусга қўқисдан ҳужум қилинди. Бу воқеа ҳақида ахборот берган Венгрия ички ишлар вазири Петер Борош ҳодиса 23 декабрь куни соат 9 дан 40 минут ўтганда Будапештнинг Ферихедь аэропортига олиб бораётган йўлда рўй берганлигини қайд қилди.**

**Гап шундаки, Будапешт Исроилга кетаётган яҳудийлар учун тўхтаб ўтиш макони ҳисобланади. Будапештда яҳудийларнинг тўпланишига ғайрлик қилаётган террорчилар ўзларининг норозилиги сифатида мазкур автобусни портлатиб юбормоқчи бўлганлар. Портлаш натижасида автобусни кузатиб кетаётган полиция машинаси ёниб кетди. Икки полициячи қаттиқ жароҳат олдилар. Автобус ичида бўлган тўрт нафар яҳудий майиб бўлди.**

**● ЛИВАН**

**ЎТГАН душанба куни Ливан пойтахти Байрутдаги полиция маҳкамаларидан бирига номаълум киши қўнғироқ қилиб, бир неча йилдан бери гаровда ушлаб турилган америка фуқароси Уильям Хиггинс аллақачон ўлдирилганлигини, унинг жасади қолдиқларини Байрут кўчаларидан бирида — белгиланган жойдан олиш мумкинлигини хабар қилди.**

**У. Хиггенс Америка ҳарбий денгиз пиёдаси полковниги бўлиб, 1988 йилда Жанубий Ливандаги ҳудудлардан бирида ўғирлаб кетилган эди. Уни гаровга олиб кетган эронпараст гуруҳлардан бири кейинчалик ўлдиради. Ҳозиргача Хиггенс тақдирига тааллуқли маълумотлар ана шундай тахмин қилинмоқда эди.**

**Полицияга қўнғироқ қилингандан сўнг белгиланган жойга етиб борган хизматчилар чиндан ҳам матога ўралган бир жасаднинг қолдиқларини топдилар. Жасад қолдиқлари шу заҳоти Байрутдаги Америка дорилфунуни госпиталига элтилди. Франс Пресс ахборот агентлигининг Ливандан берган сўнгги ахборотида айтилишича, жасад қолдиқлари текшириб кўрилгач, у чиндан ҳам полковник Хиггенс жасади деб тан олинди.**

**● ФИЛИППИН**

**ЯНГИ йил байрами арафасида Филиппиннинг мавжуд тузумига қарши 20 йилдан буён қуролли кураш олиб бораётган «Янги халқ армияси» деб аталмиш сўл жангари гуруҳ билан Филиппин ҳукумати қўшинлари ўртасида вақтинча қуролли тўқнашувни тўхтатиш тўғрисида бир битимга келишди. Мазкур гуруҳ 20 йил муқаддам таъқиқланган Филиппин компартиясига мансуб бўлиб, у мазкур архипелагда марксистик давлат ўрнатиш учун кураш олиб бормоқда.**

**● НАРХЛАРНИ қўйиб юбориш оқибатида Чехословакияда гўшт баҳоси 34 фоизга кўтарилди. Натижада дўконларда навбатда туришлар кун бўйи давом этмоқда. Острава (Шимолий Моравия) ана шундай шаҳарлардан биридир. Дўкондан фақат одамлар учунгина эмас, балки уй ҳайвонлари учун ҳам у-бу нарса олиш мумкин. Суратда: навбатда турган бу ит «ўз насибасини» кутмоқда.**

**ЧТК—ТАСС сурати.**

• *Луқма* •

# МЕРАБАДМИ ЁКИ МИРОБОД?

Трамвайда кетаётувдим. Ҳайдовчи микрофон орқали гапириб қолди.

— Кейинги остановка Мерабадский...

Унинг гапига ҳайрон бўлдим. Ахир ўзбек тилига Давлат мақоми берилганига учинчи йил кетаётган бўлса, эълон ўзбек тилидами ёки рус тилида? Шуни аниқлаш мақсадида охирги бекатгача бордим (ахир иш пайтида ҳайдовчи нега ҳалақит бераяпсан деб айб қўйиши мумкин-да). Етиб келгач, аста унга яқинлашиб:

— Кечирасиз, бундан олдинги бекатда сиз қайси тилда гапирдингиз, — дея сўрадим.

Ёшгина йигит елка қисганича:

— Акажон, ҳали ҳеч нарсадан хабарингиз йўқми, ўзбек тилига катта ҳуқуқ берилган, шунинг учун ҳам давлат тилида гапираяпмизда.

— Ўзбек тилида остановка сўзи йўқ, бекат дейилади, кейин Мерабад эмас Миробод дейиш лозим. Кейинги бекат Миробод дейилса тилимизга нисбатан ҳам ҳурмат эмасми?

Мени бу гапларимни эшитиб ҳайдовчининг турқи-тароватн ўзгарди.

— Акажон, мен унақа ўқимишли эмасман. Қўлимиздан келганча гапирамизда.

Мен бошқа гап ортиқчалигини сезиб, суҳбатимизга чек қўйдим.

Лекин, афсуски, худди мана шундай ҳолатни шаҳримизда қатнаётган транспорт воситаларида кўплаб учратиш мумкин. Тўғри, бу ўринда биз ҳайдовчиларга ҳам айб қўя олмаймиз. Менимча, ҳамма қусур уларни ишга кузатиб чиқараётган раҳбарларда. Улар транспорт воситаларини ишга шаймн ёки йўқлигини текширишади-ю, лекин ҳайдовчиларнинг йўловчилар билан мулоқотга тайёр-тайёр эмаслигини текширишмайди.

Ўзбек тилига Давлат мақоми берилди. Лекин бу уни ҳамма ўзи билганча талқин қилаверсин деган сўз эмас-ку. Биз тилимизнинг софлиги учун ҳам ҳаракат қилишимиз лозим.

Кўпчилик билан ишловчи касб эгалари: сотувчилар, маиший хизмат ходимлари, ҳайдовчилар билан (бу ерда маҳаллий тилда сўзлашувчилар назарда тутилмоқда) махсус машғулотлар олиб бориш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Бу хил касбдагилар ўзбек тилини тарғиб қилишда кулгу эмас, аксинча ўрнак бўлишса кутилган натижага тезроқ эришармидик?

**Н. РАФИҚОВ.**

# ТАШКИЛОТЛАР ВА МУАССАСАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИНИНГ ЁНҒИНДАН САҚЛАШ БЎЛИМИ ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЎНГИЛЛИ ЎТ ЎЧИРУВЧИЛАР ЖАМИЯТИ**

**ЖАМОАТЧИЛИК БИНОЛАРИДА ЯНГИ ЙИЛ АРЧА БАЙРАМЛАРИНИ ЎТКАЗИШДАГИ ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИНИ**

## МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

ЯНГИ ЙИЛ кириб келиши билан минглаб болалар ўзларининг севимли эртак қаҳрамонлари — Қорбобо ва Қорқизни қарши олишга шошиладилар. Шу муносабат билан пойтахт вилоятининг шаҳар ва районларида албатта Янги йил байрамлари ўтказилади. Биз Сиз билан фақатгина ташкилий тадбирларни ўйламасдан, болаларимизнинг хавфсизлигини ҳам таъминлашни ўйлашимиз зарур.

Янги йил арчаси атрофида қувноқ ўйинлар ўтказиш жойи бевосита давлат ёнғин назоратининг маҳаллий бўлимлари билан келишилади. Байрам тантаналари вақтида хизмат кўрсатувчи ходимлардан навбатчилар тайинланади. Улар махсус дафтарга имзо қўйиш орқали ёнғин хавфсизлиги қоидаларидан йўл-йўриқ олишлари керак. Арча шохчалари девор ва шифтларга тегмайдиган қилиб ўрнатилиши керак. Арча чироғлари мис ўзакли симлар билан ишланади ва 12 вольтгача қувватдаги лампочкалар тизмасига уланади.

● Арча байрами ўтказилаётган бино ичига чиқиш йўли билан таъминланади.

● Арча байрами ўтказиш жойи телефон алоқаси билан таъмин этилади.



● Арчани ёритиш учун шам ва бенгал ёритгичларини қўллаш ман қилинади.

● Арча ёнида электр асбобларидан фойдаланманг.

● Кичик ёшдаги болаларни арча атрофида қаровсиз қолдирманг.

## ҚЎЙИДАГИЛАР ТАЪҚИҚЛАНАДИ:

**— арчани ёнғиндан ҳимоя қилувчи моддалар билан ишлов берилмаган пахта ва қоғоз, шунингдек тез аланга олувчи ўйинчоқлар билан безаш;**

**— арчанинг яқинида кичик ёшдаги болаларни катталар назоратидан қаровсиз қолдириш;**

**— арчани ёритиш учун шам ва бенгал ёритгичларидан фойдаланиш.**

## *ЭСДА ТУТИНГ:*

**Яъни арча бинода бир неча кун тургандан сўнг тўла қуриши табиий. Бунинг натижасида ҳар қандай кичик учқун уни катта алангага айлантириши мумкин.**

**ЁНҒИН РУЙ БЕРГУДЕК БЎЛСА — дарҳол ёнғин ҳақида ёнғин назорати бўлимларига хабар беринг, ёнаётган ва бошқа хоналардан байрамда қатнашаётган барча кишиларни олиб чиқинг ва мавжуд ёнғинни ўчириш воситалари билан аланганн ўчиришга киришинг.**

***Тошкент вилоят ижроия қўмитаси Ички ишлар бошқармасининг ёнғиндан сақлаш бўлими***
***Тошкент вилоят кўнгилли ўт ўчирувчилар жамияти***

# «92-ЙИЛ ЎҚИТУВЧИСИ» ТАНЛОВИГА ЙЎЛЛАНМА

УҚИТУВЧИЛАР рўзномаси — «Маърифат» ташаббуси билан бошланган кўрик-танлов анъанага айланиб бормоқда. 91-йил танлови куни кеча ниҳоясига етиб, ғолиблар шарафланган эди. Янгийўл шаҳар мебель ишлаб чиқариш фабрикасининг тадбирлар ўтказиладиган биносида «92-йил ўқитувчиси» кўрик-танлови мусобақалари ҳам бошланди.

— Кўрикдан мақсад ижодий изланишни такомиллаштириш, мактабларда миллий маданиятимизни, қадриятларимизни қайта тиклаш, истеъдодли мураббийларни аниқлаш, тажриба алмашиш ва жамоатчилик фикрини билишдир,— деди Тошкент вилоят халқ таълими бошқармасининг етакчи мутахассиси Турсунбой Раҳимбоев.

Ҳаяжонда юрган кўрик қатнашчиси — Тошкент ноҳиясидаги 22-ўрта мактабнинг физика ўқитувчиси Лазокат Усмоновани суҳбатга тортдим.

— **Лазокат опа, сизга бу ўтказилаётган тадбир нима берди? Унинг халқ таълимида қандай самараси бор?**

— Танловнинг бугунги қатнашчилари икки босқичдан ўтишди. Шу орада неча-неча китоблар ўқишга тўғри келди. Икки босқичдаги 23 нафар даъвогардан саккиз киши қолдик. Шу кунгача кўп нарсаларни ўргандик. Агар шу кўрган, эшитган билим янгиликларини ўз иш тажрибамизда қўлласак, мактабдаги таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини оширади ва ўз навбатида ўқувчиларимизнинг ўқув фаолиятига ижобий таъсир қилади.

— **Ютиб чиқишингизга ишонасизми?**

— Ноумид шайтон дейдилар.

САҲНАГА «Ўқитувчи-92» кўрик танловининг ғолибликка даъвогар муаллимлари: Матлуба Мусаева, Мукамбар Эргашева, Алла Соколова, Лазокат Усмонова, Запоша Дадахонова, Ортиқ Қодиров, Нурилла Муҳсимов ва Илёс Эргашевни таклиф этишди. Сўнг йиғилганлар 11 кишидан иборат ҳайъат аъзолари билан таништирилди. Ҳайъат аъзолари номидан Тошкент вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиғи Олег Тожиев анжуманда иштирок этаётган вилоят ўқитувчиларини қутлади.

Кўрик давомида ғолибликка даъвогарлар ўзи ҳақида маълумот, ҳар хил вазиятда ўқитувчи ўзини қандай тута билиши, севган машғулоти, ўткир зеҳнлилар танлови уй вазифаси, ўқув кўргазмаси қуроли тайёрлаш каби бешта шартни бажаришлари керак эди. Кўрикка унинг ҳомийлари вилоят халқ таълими ходимларининг касаба уюшмаси, вилоят ёшлар иттифоқи, вилоят ўқитувчилар жамияти, Янгийўл шаҳар мебель ишлаб чиқариш фабрикаси маъмурияти катта тайёргарлик кўрганликлари кўзга ташланиб турарди. Чунки зал ичига 6 та электрон-ҳисоблаш машиналари ўрнатилиб, ўтирган мухлислар ҳайъат аъзолари томонидан қўйилаётган баҳоларни ҳисоблаб, назорат қилиб туриши учун барча шароитлар яратилган эди.

Кўрик шартларини бажариш давомида 8-рақамли иштирокчи — Чиноз ноҳияси 28-ўрта мактабнинг физика ўқитувчиси Ортиқ Қодиров ўз жавобларига ҳайъат қўйган баҳодан норозилик билдириб, ўйиндан чиқиб, даврани тарк этди. Шу пайт Роза Зинурова раҳбарлигидаги эксперт комиссияси масалага аралашди ва даъвогар ноҳақ эканлигини аниқлади.

Мана, танловга якун ясалди. Билимлар майдонида Пискент ноҳиясидаги 5-ўрта мактабнинг она тили ўқитувчиси Мукамбар Эргашева ўзининг зеҳни, билими, ҳозиржавоблиги билан ажралиб турарди. У вилоят бўйича ўтказилган уч босқичдаги кўрикда энг яхши натижа кўрсатиб, жумҳуриятимизда ўтказиладиган «92-йил ўқитувчиси» кўрик танловида қатнашиш шарафига муяссар бўлди. Иккинчи ўрин Лазокат Усмонова, учинчи ўрин эса Алла Соколовага насиб этди.

— Мени шу танловда қатнашиш учун тавсия этган мактаб ўқитувчилари жамоасидан, мусобақалашишим учун барча имкониятларни муҳайё қилиб берган турмуш ўртоғимдан, фарзандларимдан хурсандман. Танлов жараёнида ҳамкасбларимдан кўп нарсани ўргандим. Бугунги кунга келиб мактабларимизда жуда кўп муаммоларимиз йиғилиб қолганлиги ҳам маълум бўлди. Мактабларимизда аввало миллийлик бўлсин. Фарзандларимизга ота-боболаримизнинг ҳақгўйлигини, эътиқодлилиги ва самимиятини сингдириб боришимиз керак,— деди кўрик ғолибаси М. Эргашева.

Вилоят халқ таълими бошқармаси ғолибларни муносиб тақдирлади: биринчи ўринни эгаллаган кишига уч ойлик маош, иккинчи ўрин учун икки ойлик маош, учинчи ўрин учун бир ярим ойлик маош, қолганларга эса бир ойлик маош миқдорида мукофот бериладиган бўлди. Вилоят халқ таълими ходимлари касаба уюшмаси ғолиблар учун марказий соғлиқни сақлаш масканларига, қолган ўринни эгаллаганлар учун эса маҳаллий дам олиш ва соғлиқни тиклаш масканларига бепул йўлланма беришга қарор қилди. Вилоят ёшлар иттифоқи эса уларни қимматбаҳо буюмлар билан мукофотлади.

Янгийўл шаҳар 3-болалар боғчасининг кичкинтойлари Ҳолдорали Оқхўжаев бадиий раҳбарлигидаги доирачилар гуруҳи дилрабо куй ва қўшиқлари билан анжуман файзига файз қўшдилар.

**Даврон АҲМАД.**
**Суратларда: шу кўрик-танловдан лавҳалар.**
**Суратлар муаллифники.**

## ЭЪЛОНЛАР, БИЛДИРИШЛАР

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

**29 декабрь соат 15.00 да**

ДАВЛАТ УЙҒУР АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИ

**ва**

ОЛМАОТА УЙҒУР ТЕАТРИНИНГ МИНИАТЮРА ҚИЗИҚЧИЛАРИ

**иштирокида**

## КАТТА КОНЦЕРТ

**Уйғур ашула ва рақс ансамблининг бадиий раҳбари — Ҳаким ХИЛЯМОВ.**

**Рақсларни саҳналаштирувчи — Авахон АЗИЗОВА.**

**Мусиқа раҳбари — Эркин ЮНУСОВ.**

**Чипталар Халқлар дўстлиги саройи кассаларида ҳар куни соат 11.00 дан 20.00 гача сотилмоқда.**

### ПАХТА ЕТИШТИРИШ ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Жумҳуриятимиз Президенти фармонларига биноан етиштирилган умумий ҳосилнинг 5 фоизи ва режадан ортиқ йиғиб олинган пахтанинг 100 фоизи хўжаликлар ихтиёрида қоляпти.

Шуни инобатга олганда ишончимиз комилки, ҳар қайси хўжалик учун қандай қилиб хом ашёдан ип-газлама ишлаб чиқариш муаммоси юзага келди.

Хўжаликларнинг ишбилармон раҳбарлари жамоа ва шўро хўжаликларида хом ашёдан чит, сурп ва ип ишлаб чиқариш учун кичик корхоналарни қуришга киришди.

**Шу корхоналарда ишлаш учун**

**ишчилар**

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШ БОШҚАРМАСИНИНГ**

### 16-ҲУНАР—ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИДА ЎҚИТИЛАДИ

Сиз, ҳурматли хўжалик раҳбарлари билим юрти билан хўжалик ҳисобида битим тузган ҳолда, ишсиз юрган қизларни билим юртига ўқишга юбориб, 10 ойдан кейин юқори малакали ип йигирувчиларга, калаваловчиларга, пиликловчиларга, тўқувчиларга ва уста ёрдамчиларига эга бўлиб, кичик корхоналарнинг унумли ишлашини таъминлайсиз.

Ўқиш давомида назарий дарслар билим юртида, амалий дарслар эса Тошкент шаҳар ип газлама ишлаб чиқариш бирлашмасида юқори малакали устозлар ёрдамида олиб борилади.

**Ўқувчилар билим юрти томонидан ётоқхона билан таъминланадилар.**

Билим юрти манзилгоҳи: 700100, Тошкент шаҳри, Фрунзе ноҳияси, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 34-уй.
**Телефонларимиз: 55—44—85, 55—44—16, 55—44—96.**

Транспорт воситалари: Жанубий темир йўл вокзалидан: 7, 24, 28-трамвайлар; 57, 38, 40-автобуслар; 2-троллейбус билан «Фрунзе савдо маркази» бекатигача борилади.

Шимолий темир йўл вокзалидан: 2, 80-автобуслар Тайёрагоҳдан 14-троллейбус; 11, 7, 45-автобуслар;

С. И. ҚАДИШЕВ НОМЛИ 33-АВИАЦИЯ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

## ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Совет Армияси сафларидан заҳирага бўшатилган йигитларни ва ўсмирларни**

**учиш аппаратларининг йиғувчи чилангарлари, механика-йиғув ишлари чилангари, металлга ишлов берувчи, токарлик мутахассисликлари бўйича ўқитиш учун**

## ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 6 ой. Ўқувчиларга ойига 150 сўмдан стипендия берилади.

Яшаш жойига муҳтож бўлганлар ётоқхона билан таъминланади.

Билим юртини тамомлаганлар Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига йўлланма оладилар. Ўқишни аъло баҳолар билан битирганлар мамлакатимизнинг олий ўқув юртларида таҳсил оладилар.

Машғулотлар гуруҳларнинг тўлишига қараб 1992 йил 1 январдан бошланади.

**Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак:** директор номига ариза, аттестат, паспорт, 6 донадан 3х4 ва 4х5 см.ли сурат.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Генерал Петров кўчаси, 331-уй (6, 29-трамвайлар; 30, 110, 119, 151, 192-автобусларнинг «Билим юрти» бекати).
**ТЕЛЕФОН: 96-58-20.**


● *Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари*

# МУЛЛА ТЎРА МИНГБОШИ

ОҲАНГАРОНЛИКЛАРНИНГ кўпчилик қариялари асримиз бошида фаолият кўрсатган Мулла Тўра мингбоши Худургонов тўғрисида жуда илиқ гаплар айтадилар, унинг номини ҳамон ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оладилар. Оҳангаронда унинг бошчилигида амалга оширилган хайрли ишлар анчагина экан. Мен ушбуни ёзиш мақсадида Мулла Тўра мингбошини кўрган, билган, у билан суҳбатлашиш шарафига муяссар бўлган кўпгина кишилар билан мулоқатда бўлдим, унинг фарзанди, қорахтойлик Ғани Тўраев билан учрашиб, унда сақланаётган ҳужжатлар билан танишиб чиқдим. Бироқ ҳужжатлар ҳам жуда оз эди. Шундай бўлса-да, у ҳақда ёзишга жазм қилар эканман, бу ишда учрайдиган айрим камчиликлардан қўрқиб ўтирмадим.

— Уни ёмасангиз, кимни ёзасиз?— деди бир ўтиришда менга Мулла Тўра мингбоши тўғрисида анча нарсаларни айтиб берган Эрбой сўфи деган отахон.

— Ёшингиз ҳам олтмишга яқинлашаяпти, билганларингизни ўзингиз билан олиб кетмасангиз, деб қўрқаман, — деди Обликда яшайдиган кексалардан бири.

Ҳа, Оҳангаронимизда одамлар учун озми-кўпми фойдали ишлар қилиб, олам-дан ўтган кишилар — халқ раҳбарлари анчагина. Улар ҳақида ҳозирги авлодга бор ҳақиқатни айтишни кўп йиллар ўзимизга эп кўрмадик, одамлардан яширдик, Бойир мингбоши, Азим саркор, Кўчқор оқсоқол, Бўрибой оқсоқол, Абди қози... Булар халққа жуда кўп яхшиликлар қилган, юрт бошида туриб, одамларнинг кунига яраган кишилар эди. Мулла Тўра мингбоши ҳам ўзининг эзгу ишлари билан одамлар қалбида ҳануз нур сингари порлаб турибди.

1917 ЙИЛНИНГ АЙНИ ЧИЛЛАСИ. Қиш қаттиқ келган. Минг уйли Қорахтойга вабо оралаган. Ҳар куни ўн олти—йигирма одам қирилади. Аҳвол шу даражага бориб етдики, ҳатто майитларни ўраш учун оқлик етишмай қолди. Ана шунда мингбоши Мулла Тўра Тошкент приставига бориб, ҳоким билан дардлашди, воқеани тушунтирди. Оқибат шу билан якунландики, Қурамага Тошкент ҳокими ихтиёридан 1256 метр оқликдока-сурп берилди, одамларни вабодан соқит қилиш учун Тошкентда турган Оқ пошшо вакилининг шахсий дўхтирлари 21 кишилик гуруҳда Оҳангаронга келди. Аҳоли ўртасида профилактик муолажалар ўтказилди.

Аммо аҳоли оч эди. Буниг устига халқни қийнаб қўйган вабодан аксарият кишилар нимжон эдилар. Мулла Тўра мингбошининг буйруғи билан аҳоли икки йилга маҳаллий солиқдан озод этилди. У ҳамма вақт халқ учун қаттиқ қайғурарди. Озгина бўлса-да, бева-бечораларнинг қорнини тўйғазиш мақсадида ўзи элга хайри-худойи ош берди, туман бойларини ҳам бу ишга даъват этди. Шундан кейин деярли ҳар ҳафтада ҳар қишлоқда ўзига тўқ кишилар халқни тўплаб, хайри-худойи ошлари улаша бошладилар.

Кўкламга чиқиб экин экиш тадориклари кўрилди. Мулла Тўра мингбоши ўз омборидан одамларга бир-бир ярим пуддан арпа, бурдой, шоли, тариқ, қўноқ ўғил билан халқни очлик, вабо ва ўлимдан сақлаб қолди.

Оҳангаронда савдо қилаётган мулла Давронбой, мулла Абдусалом, мулла Акбарали дўкондорларни тўплаб, халққа сотилаётган озиқ-овқат ва кийим-кечакларнинг нархини арзонлаштириш чораларини кўрди.

Октябрь давлат тўнтаришидан кейин ҳам Мулла Тўра мингбоши анча йиллар ўз вазифасида ишлади. Унинг бевосита кўрсатмаси билан Облик, Янгибозор, Телов, Кўрпасой бозорлари тез-тез назорат қилиб турилларди. Мулла Тўра мингбошининг ёрдами ва шахсий маблағи ҳисобига Кўрпасойда каттагина карвонсарой бино этилди. Теловдаги бозор ёнида муваққат мусофирхона очилди. Облиқдаги эски масжид таъмирланди. Оҳангарондаги ҳозир кўмилиб кетиш арафасида турган катта анҳор тозаланиб, унинг сувлари Мунчоқ тепа ва Убайд қишлоқларигача оқадиган қилинди. Қорахтой, Хонобод, Қайирма, Болғали қишлоқларида янги-янги тегирмон ва сувжувозлар очилди.

— Мен Мулла Тўра мингбошининг бирон кишини жазолаганини кўрган эмасман, буни ҳатто эшитмаганман,— дейди Эрбой сўфи.— У киши новча, қошлари ўсиқ, юзларидан нур ёғилиб турадиган, фаришталик одам эдилар. Ҳатто ёш болаларни ҳам сизлаб гапирардилар. Шундай бир воқеа эсимда. Инқилобдан кейинроқ қишлоқларга узун шинель кийиб, от миниб, қилич, тўппончалар тақкан ўрислар келишди. Улар аввал Абди қозининг ҳузурига, кейин эса Мулла Тўра мингбошининг девонига боришди. Ичкарида нима гап бўлганини билмайман, аммо уларни — ўн беш чоғли ўрисларни кузатаётганда Мулла Тўра мингбошининг уларга қарата гапиргани эсимда: **«Уларнинг нимаси босмачи, ахир улар халқни келгинди кофирлардан ҳимоя қиладиган ўз йигитларимиз-ку! Бу йигитлар бир юртдан бир юртга одам ўлдириш учун босиб келишмаган, сизларни айтса бўлади, босмачи, деб!»** Унинг бу сўзларини аскарлар сафида бўлган бир татар киши ўрис командирга ўгириб турди. Улар нетишгандан сўнг, эртаси куни Мулла Тўра мингбоши чопарлар юбориб, барча қишлоқлардаги юзбоши ва элликбошиларни тўплади ва машварат ўтказиб, юртга ўрис аскарлари келаётганини, халқнинг осойишталиги учун тушунтириш ишлари олиб бориш зарурлигини уқтирди. Шуни эътиборга олиш керакки, Мулла Тўра мингбошининг тадбиркорлиги натижасида қишлоқдан, умуман Қурама туманидан жуда кам одамгина «қулоқ» қилинди, ўшанда ҳам уларнинг айрим мулклари олиниб, ўзлари омон қолишди.

Бироқ кейинроқ Мулла Тўра мингбошининг ўзини қамоққа олдилар ва Далварзин томонга сургун қилдилар. Мулла Тўра мингбоши Далварзин атрофида жуда катта боғ-ёнғоқзор ташкил этди. Сургун тугагач, узоқ муддат Тўйтепада истиқомат қилди, ўша ердан уйланди ҳам. Урушдан кейин яна Қорахтойга қайтиб келди.

Мен мулла Тўра Мингбошини кўриш, у билан бир неча марта мулоқотда бўлиш шарафига муяссар бўлганман. Мош-гуруч соқолли, новчадан келган, кексайиб қолишига қарамай, қоматини тик тутиб юрадиган бу хушсурат қарияни ҳар сафар кўрганимда, у киши: «Ҳа, мақсум, дадангиз юрибдими, дуо деб қўйинг», дердилар.

Мулла Тўра мингбошининг фарзандлари ҳозир ҳам барҳаёт. Уларнинг аксарияти хўжалик, саноат ишларида хизмат қилишади.

**Мўмин ҚАЮМОВ,**
**Оҳангарон ноҳияси.**


Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.


Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши ва ижроия комитети Халқ депутатлари Янгийўл ноҳия Кенгашининг раиси, вилоят Кенгаши депутати А. Юсуповга отаси

**Юсуп ота ҚОБИЛОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этадилар.


● Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматда босилди. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Нашр кўрсаткичи: 6484. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 19.30. 44 минг нусха босилди.